



TIBBIYOTNOMA

БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

Халқимиз энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллигини қизғин нишонламоқда. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади.

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир. Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир.

Ўтиб бораётган йил мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими учун синовли давр бўлди. Коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишига ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшгани, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида тиббиёт ходимлари муносиб иштирок этиб келишмоқда. Алоҳида хизмат кўрсатиб, ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, муқаддас шифокорлик бурчини виждонан адо этишда жасорати ва фидойилик кўрсатишди. Синовли даврни биргаликда енгишда ҳамжихатликда ҳаракат қилишимиз муҳим.

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-ёшлар! Сизларни барчамиз учун қадрли бўлган Истиқлолимизнинг 29 йиллиги билан чин юракдан самимий муборақбод этаман. Сизларга ҳамиша соғлиқ-омонлик, ўқиш ва ишларингизда улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Л.Гуйчиев,
Тошкент тиббиёт академияси ректори

УЛУҒИМСАН, САОДАТИМСАН ЎЗБЕКИСТОНИМ

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигини нишонлаш арафасида ортга разм солсангиз моҳиятан ҳар биримизнинг руҳиятимизга таскин, эркинлик, умид ва ишонч олиб келаётганини кўрасиз. Энг улуғ байрамимиз ютуқлар ва натижаларга тўла, мўл дастурхони билан кириб келмоқда.

Қарийб чорак асрдан зиёдроқ вақт ўтган бўлсада мустақиллик тантанаси кечагидек қувончларимизни безайверади. Қалбларимизга олам олам бахт, бетакрор ҳис-туйғуларни бағишлайверади. Чунки эркинлик, мустақиллик ўрнини босувчи одамга бу қадар ёқадиган бирор бошқа туйғу йўқ. Ҳеч кимга тобе ва қарам эмаслигимизни ўйласак энтикамиз, фахрланамиз.

Мустақиллик йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Юртимизнинг қайси худудига борманг, ватандошларимизнинг кўнглида, кўзида мана шу улуғ неъмат — мустақилликнинг ёрқин шукуҳини, бугунги дориломон кунларнинг шукронасини кўрасиз. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган, туну кун заҳмат чекаётган юртдошларимизнинг орзу-умидларини ўзида ифода этган энг улуғ, энг азиз байрам — истиқлол шодиёнасининг ажиб таровати бугунги мураккаб, оғир синовли бир даврда кўзларга қувонч, юракка мадад бериб келмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизнинг барча гўшаларида Мустақиллигимизнинг 29 йиллик тантаналарига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бугун мамлакатимиз миллий тараққиётнинг янги босқичида барқарор одимламоқда. Айни пайтда барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари кечяпти. Буларнинг барчаси, бебаҳо неъмат бўлган мустақиллик туфайли эканини қалбдан англамоқдамиз.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда барча соҳалар сингари таълим соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимининг барча йўналишларида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, сўнги 4 йилда узлуксиз таълим тизимини тўлақонли

таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мактабгача таълим, ўрта таълим ҳамда олий таълим тизимида аҳолининг хоҳиш истакларини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор янгиликлар жорий этилди. Бу каби ислохотларни бардавом эттиришда таълим ва тарбия уйғунлиги миллий тараққиётга эришиш кафолатидир.

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг илк қадамларидан бошлаб, мамлакатимизда янги замон авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини янгича қадриятлар асосида шакллантириш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунда энг муҳими, таълим-тарбия тизимида эскича қолиплардан тезроқ воз кечиш, таълимга доир энг илғор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятларга ҳамоҳанг усулларни топиш ва амалиётга жорий этиш, шарқда қадимдан амалда бўлган принцип — таълим ва тарбияни бир-биридан ажратмаслик ва уларнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда эса ёш авлоднинг бугунги кун талаб ва истакларидан келиб чиқиб, замонавий билим ва кўникмага эга бўлишлари учун фақатгина таълим тизимининг бир бўғинини ислох қилишнинг ўзи етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Анъанага содиқ тарзда “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!” шиори остида бу йил истиқлол байрамини кутиб олар эканмиз зеро, Юртбошимиз айтганларидек, “Халқимизнинг энг катта бойлиги бу – тинчлик ва омонликдир“. Демак, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, фарзандлари соғлом ва кексаларимиз дуоғўй экан, бугунги пандемия даври албатта, тез кунларда ортда қолиб, ҳар кунимиз қувончли кунларга уланади. Чунки, бундай элга доимо байрам ва тўйлар ярашади. Юртимизнинг мустақиллигига кўз тегмасин.

Барчамизга яқинлашиб келаётган энг улуг ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муборак бўлсин!

Ғ.УТАЕВ, ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ. АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Энг азиз ва энг буюк байрам – халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этамиз!

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

ВАТАН

Дилингизда бўлсин қувончи ғами,
Китобларда эмас, қоғозда эмас.
Бўзда яшайсизми, Бухородами,
Сиз билан баробар у олсин нафас.
Болангизни белаб қўйинг туш пайти,
Толлар беланчакни учирсин кўкка.
Аммо сиз бошида аллалар айтинг,

Ватан туйғусини солинг юракка.
Айтинг, далаларда эгилган лаҳза,
Айтинг, куёш қонга ботиб ётганда.
Айтинг, қувончу ғам солганда ларза,
Айтинг, оқ қўйлакли тонглар
отганда.
Жанозада йиғлаб аллалар айтинг,
Айтинг, шуурлару курашлар аро.
Токи қалбимизда жўш урган туйғу
Фарзандлар қалбида берсин акс-
садо.

Она Тўмариснинг шонли қисмати,
Жалолиддин тиғи таратган жаранг,
Бизнинг юраккача, балки, етмасди,
Бўлмаганда, халқим, алланг —
хотиранг.
Беруний юлдузи, Сино қаҳқашони
Фалакдан йўлимиз ёритиб боқсин.
Маҳмуд Торобийнинг муқаддас
қони
Фарзандлар қалбида жўш уриб
оқсин.
Ҳазрат Соҳибқирон тузукларидан
Кўчиб, ификрларни ёритсин сурур,
Дилларни чароғон этсин Навоий
Қалами таратган ҳикматли шуур.

Мирзо Улуғбекнинг расадин тоқи,
Юрган йўлимизга нурлар тўшасин,
Ватан деб жон берган ҳар ботир
хоки
Дилда нафас олсин, дилда яшасин.
Ватан – юракдаги қувонч, қайғу,
шашт,
Уни тирик сақлар юракдаги сас.
Ватан – бамисоли куёшга ўхшаш,
Ватан ҳам одамдек олади нафас.

ЖОНИМ ИЧРА

ЖОНИМДУРСАН

Бу дунёда жаннатмонанд ерлар
бисёр,
Бу дунёда оқу қаро эллар бисёр,
Аммо йўқдир бу дунёда сендек диёр,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.

Тупроғингда аждодларим изи
қолган,
Боболарим терларининг тузи қолган,
Ҳар гардида момоларим кўзи қолган
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.
Ўзбек элим, нури дийдам,
қароғимсан,
Ўзбек элим, осмониму тупроғимсан,
Ҳам қувончим, ҳам бахтиму
фироғимсан,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.
Бешигингда аллаладинг дунёларни,
Дунё очган неча–неча даҳоларни,

Болам дединг юраклари адоларни,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.
Соҳибқирон қўлларида қалқон
бўлдинг,
Улуғбекнинг нигоҳида осмон
бўлдинг,
Мирзо Бобур юрагида армон
бўлдинг,

Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.
Қўли қадоқ деҳқон элим, султон
элим,
Қўкси юртга доим балогардон элим,
Ўз юртига соҳибқирон ҳоқон элим,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.

Хуршид ДАВРОН

ВАТАН КАМОЛОТИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Ўзбекка мақтаниш одатмас, гарчанд,
Бағримни тўлғазар ушбу кун гурур.
Тошкенту-Бухоро, Хевак, Самарқанд,
Хар бири жаҳоннинг беазаги эрур.
Абдулла ОРИПОВ

Мана, юртимиз мустақиллик туғини қўлига олганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақилликнинг охириги уч йили – Янгиланаётган Ўзбекистон номи билан қатор ислохотлар ва янгиликларга бой бўлди. Ана шу мўъжазгина давр оралигида Ўзбекистон ўзининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозаларига чиқиб олди. Биз мустақилликдан аввал ким эдик ва бугунги кунда кимга айландик? Шу масала бўйича суҳбатлашсак.

Янгиланаётган Ўзбекистонда давлатимиз иккинчи бор уйғониш, яъни Ренессанс даврини бошдан кечирмоқда. Биринчи бор улуғ Амир Темур пароканда бўлган элатларни бошини қовуштириб, улкан иморатлар қуриб, бир қўлида қилич, бошқасида эса адолат билан буюк давлатга асос солган эдилар. Орадан 7 аср ўтиб биринчи юртбошимиз И.Каримов саъй-ҳаракатлари билан бошланиб, мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган юксалиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. 1971 йили отам раҳматлик мени Имом Бухорийнинг зиёратларига олиб борган. Бутазорлар, қамишзорлар орасида мунғайиб турган кўримсиз мақбарага кўзим тушиб ҳайратда қолгандим. Самарқанддаги Биби хоним ансамблининг деворлари тўзиб гиштлари кўчиб ётар, ёнгинамизда Ат-Доромий ва Малҳам ота каби валийларнинг хоби ётганлигидан камдан-кам одамларгина бохабар эди. Мустақиллигимиз шарофати билан бугун улар жаҳон андозалари даражасида таъмирланиб, бутун дунё туристларини ўзига чорлаб турибди. Яқинда Занги ота зиёратгоҳида бўлиб олам жаҳон таассуротлар билан қайтдим. Олмониядан, Даниядан, Хитойдан келган саёҳатчиларнинг кўплигидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз “Ўзбекистон ССР тарихи” деган китобда келтирилишича, Инқилобга қадар ўзбек аҳолисининг 1,5-2,0 % қисмигина саводхон бўлган. Демак, ушбу тарихга ишонадиган бўлсак жаҳонга Ибн Сино, Хоразмий, Бухорий, Самарқандий, Насафий, Марғиноний, Фарғоний, Шоший, Тошкандий, Ургутий, Гиждувоний, Кеший каби улуғларни етказиб берган ўзбек миллатининг 98% дан кўпи мутлақо бесавод бўлган. Бу мутлақо ақлга сиғмайдиган ҳол-саводсиз халқ орасидан шунча буюкларнинг чиқиши мумкин эмасди. Кеча интернет маълумотларига кўзим тушиб қолди: олий ўқув юртларига ўқиш учун топширган талабгорлар адади бўйича Ўзбекистон биринчи ўринга чиқиб олибди. Маълумотни ўқиб жуда шодландим, ахир қайси юртда инсон илмга, ижодга, санъатга, фалсафага, изланувчанликка интилади? Тинчлик-омонлик ҳукм сурган, ижтимоий-иқтисодий муаммолар йўқ, устида томи-ю, дастурхонида мўл-кўлчилик бўлган юртда! Ахир оч қорин ва дарбадарлик билан юрган инсоннинг биринчи муаммоси илм-фан эмас, балки иқтисодий масалалар бўлади. Мустақил диёримизда ижтимоий, иқтисодий жиҳатлардан тўғри сиёсат

олиб борилаётганлиги боис жаҳоннинг аксарият мамлакатларига ўз салбий таъсирини ўтказган, аҳоли яшаш сифати, турмуши даражасига, табиийки жисмоний, рухий саломатлигига ёмон таъсир кўрсатган таназзуллар юртимизни четлаб ўтди.

Юртда аҳоли саломатлиги, ва соғлиқни сақлаш тизими ҳар томонлама талабга жавоб бериши учун миллий даромаднинг 8.0% га яқини соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилиши лозим. Иттифоқда бу кўрсаткич 3% ни, Японияда 9% ни, Германияда 11% ни, Америкада 7% ни ташкил қилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Грузияда 1,5%ни, Тожикистонда 1% ни, Россияда 2% ни ташкил қилган. Бугун Ўзбекистонда бу кўрсаткич жаҳон андозалари даражасига етиб қолди. Буларнинг барчаси янги, замонавий тиб масканлари, марказлари очилишида, уларни жаҳон андозасига жавоб бера оладиган тиббий жиҳозлар билан таъминланишида, шифокорларимизни хориж давлатларида, илғор технологиялар бўйича малака оширилишида, муқобил – халқ табобатига кенг ўрин ажратиб берилишида, бир қанча тоифага мансуб беморларга мутлақо текин дори-дармонлар ажратилишида, аҳоли саломатлиги ва яшаш сифатининг яхшиланишида, аҳоли ўртача умрини собиқ Иттифоқ билан солиштирганда 15-18 йилга узайиши ва бугунги кунда фуқаролар ўртача умри 80 йилга яқинлашиб қолганлигида намоён бўлмоқда. Мустақилликнинг яна бир шарофати – 1994 йилда Тошкент шаҳрида, орадан ҳеч қанча фурсат ўтказмасдан Республикаимизнинг ҳамма вилоят марказларида скрининг марказлари очилгани бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ҳомилалик давридаёқ, митти жонни соғломлик даражасини аниқлашдир. Бу тадбир тез йилларда ўз самарасини кўрсатди. Агар 1984 йилда туғилаётган чакалоқларнинг 11,3% қисмида норасоликлар аниқланган ва уларнинг ҳар 3 тадан биттасида оғир жарроҳлик муолажаси ўтказиш зарурияти туғилган бўлса, мустақил диёримизда бу тадбирлар туфайли норасо туғилиш ва мураккаб операция ўтказиш зарурияти 2 баробар камайди, яшаш сифати яхшиланди. Республикаимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Миллий генофондимизни яхшилаш бўйича ҳар йили кўплаб тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, биз шифокорлар ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиб, ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. **“Соғлом бола йили”** бўлган 2014 йилда **“Соғлом бола – соғлом келажак”** деб номланган китобим чоп этилди. Мазкур китоб икки марта, жами 50 минг нусхада чоп этилиб ҳар бир мактаб, лицей, коллеж ва болалар боғчасига тарқатилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Жжанубий Кореяда бўлганимда замонавий медицина муассасалари билан бир қаторда халқ табобати марказлари ҳам ишлаб турганлигига, аҳоли ўз истак-хоҳишига қараб танлаш имкониятига эга эканлигига ҳавасим кетганди. Бугун Ибн Синонинг авлодлари бўлган юзлаб ҳозик табибларимиз медицина ходимлари билан бир қаторда туриб аҳолимиз саломатлиги йўлида курашмоқдалар.

Коронавирус пандемияси даври бутун дунё давлатлари, миллатлари ва халқлари учун ўзига хос бир синов бўлди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона ва одилона сиёсати, олисни кўра билиш интуицияси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларининг ҳолисона саъй-ҳаракатлари билан кўплаб давлатларнинг аҳолисини тутдек тўккан пандемия ватандошларимизга унчалик

катта тахдид сола олмади. Бугунги кундаги олиб борилаётган ислохотлар бу борада ҳали кўплаб янгиликлар қилишимиз лозимлигини кўрсатиб турибди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқароларнинг гавҳари ва жавҳари бўлган ирсият-миллий генофондга ҳам катта эътибор қаратилди. Миллий генофонд – бир миллат ирсиятномалари жамғармасидир. Бунинг маъно-моҳияти шу миллат вакилларининг онглилик даражаси, ақлий, жисмоний, рухий, жинсий саломатлиги даражаси кўрсаткичларидир. Миллий генофондни яхшилаш эса ана кўрсаткичлар уйғунлашмасини яхшилаш дегани. Тарихда бундай уринишлар кўп бўлган. Қадимги Римда касалванд ва нотавон болалар парваришланмаган, уларнинг табиий ўлиб кетишига йўл қўйилган. Греklar буни евгеника деб атаганлар. Жоҳилият даврида эса жинслар мувозанатини изга солиб учун асосан қиз болаларни, мубтало ва нотавон бўлса ўғил болаларни ҳам тириклай қумга кўмишганлар. Мисоллардан кўриниб турибдики, тарихда миллий генофондни яхшилашга қаратилган тадбирларнинг барчаси хунрезлик ва шафқатсизликка асосланган. Бизнинг юртимизда эса бу жараёнлар инсон омилига эътибор, ғамхўрлик, тиббиёт нуқтаи назари билан қаралса, профилактик йўналишларда олиб борилганлиги учун юксак самара берди.

Албатта, инсон саломатлиги, умрининг узунлиги, турмуши сифати фақатгина давлат сиёсатига, соғлиқни сақлаш тизими ҳолатига боғлиқ эмас. Буни коронавирус пандемияси мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ҳар бир фуқаро ўз саломатлиги учун қайғуриши билан бир қаторда шукроналик туйғусига эга бўлиши лозим. Инсон ҳар куни эрталабгача етиб тирик уйғона олганлигига, кўзлари ёри, фарзандлари, фируза осмонни кўра олганлигига, қулоғи Чўли Ирокни, фарзандлари кулгусини эшита олганлигига, оёқлари вужудини кўтариб, истаган манзил-мақонига олиб боролганига, онги эса юрт учун, ўзи учун, оиласи учун наф келтира оладиган даражада эканлигига шукроналар қилиши лозим. Ваҳоланки, 7 миллиард инсон умргузаронлик қилиб юрган куррайи заминда 65 миллионга яқин кўрлар, 87 миллионга яқин қарлар, 100 миллиондан ортиқ шоллар ва 1 миллиарддан ортиқ очлар, 1 миллиарддан зиёд бошпанасизлар бор. Дунё аҳолисининг 2 миллиарддан ортиғи зилол ичимлик сувидан баҳра ололмади. Арабистон каби бой давлатнинг айрим шаҳарларида оқова сувларни бир неча қарра тозалаб ичимлик суви сифатида фойдаланилади. Ўсма касаллигига мубтало бўлганлар бир йилда ер юзи бўйича 12 миллиардни, силга учраганлар эса 10 миллионни ташкил қилади. Биргина коронавирус инфекциясидан 5 ойичида нобуд бўлганларнинг адади бир миллионга яқинлашиб қолди. Наркомания, пиёнисталик, дангасалик ботқоғига бўйнигача ботиб қолган одамлар қанча! Марҳум устозим, Эркин Қосимов Академиямиз 3 босқич талабаларига “Клиникага йўл” деган анжуман ўтказар ва унда **“Мустақиллик бизга нима берди, биз ўз навбатида мустақилликка нима беролдик?”** деган қисми бўларди. Мен устознинг бундай анжуманларида кўп марталаб иштирок этган ва табиийки, талабаларимизнинг жўшқин ва сермазмун жавобларидан баҳра олардим. Унда бир талабамизнинг мустақиллик йилларида ўтказилаётган ислохотлар, натижасида яқин йилларда Бухорий, Самарқандий, Фарғонийларнинг ворислари жаҳонга донғи кетган спортчилар, Нобель мукофоти лауреатлари чиқишини айтганида, мен башорат сифатида

қабул қилган эдим. Мана, буюк ўтмишдошларимизнинг муносиб меросхўрлари, спортнинг шахмат, каратэ, бўйича жаҳон чемпионлари ҳам чиқиб Ватан байроғини баланд кўтармоқдалар, яқин йилларда Нобель мукофоти совриндорлари ҳам етишиб чиқади, менинг бунга имоним комил.

Мақола мухтасарида хулоса қиладиган бўлсак, оқсоч тарихнинг кичиккина бўлаги – 29 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозалари даражасига чиқиб улгурди. республикамызда кечаётган соғлом сиёсат, иқтисодиёт, соғлтқни сақлаш, халқ ва қишлоқ хўжалигидаги оқилона ислохотлар кечаётгани буюк келажак яратиш йўлидаги улкан бир пиллапоя бўлади деб умид билдираман. Ватан, юрт, миллат равнақи ишончли, адолатли қўлларда, буни ҳар биримиз англашимиз ва ўзимиздан ҳам шу сифатларни талаб қила олишимиз лозим.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси, доцент,
Қутбиддин НИЗОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали
шифокор

ВАТАН НИМА ДЕГАН САВОЛГА НИХОЯТ ЖАВОБ ТОПГАНДАЙ БЎЛДИМ, АММО...



Инсоннинг эртанги кунга бўлган ишончи, қувончу, ширин ташвишлари замирида аслида Ватанга бўлган муҳаббат мужассам десак, хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бежизга “Қилаётган амалларимиз хайр-барокотли, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин”, дея дуо қилишмайди.

Бир қарашда содагина ҳамда деярли ҳар кун эшитиб ўрганиб қолганимиз ва ҳаёт синовларидан ўтган ушбу дуонинг таг-замирида эртанги қувончимиз - бевосита юртимиз тинчлиги, Ватанимиз ривожига билан чамбарчас боғлиқ деган маъно мужассам.

Шу тобда мамлакатимиздаги умидли ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, «Келажақда, у ёки бу соҳани етук мутахассиси бўлиб, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссамни қўшаман» ёки «Мусобақада албатта ғолиб бўлиб юртимиз байроғини юқори кўтараман» деган сўзларни кўзи ёниб айтади. Албатта, бу сўзлар бизга қанчалик баландпарвоз бўлиб туюлмасин, аслида улар самимий, қалбдан чиқаётган, беғубор иборалардир.

Инсоният бор экан, унга рағбат (stimulus), эртанги кунга ишонч бераётган – Ватанга бўлган муҳаббат ёки Ватаннинг ўзи нима деган саволга жавоб изланаверади. Биз ҳам ушбу мавзу доирасида бироз сўз юритсак ўринли бўлади.

Тан олиш керак энг кўп гапириладиган, ёритиладиган ё бўлмаса, қаламга олинадиган мавзу ҳам айнан шу, барча бирдай тенг фикр билдириши мумкин бўлган ёки инсониятнинг даҳою-фақирлари юрак сўзларини билдирган, таъриф-тавсифлар берган мавзу (тушунча) ҳам айна шу десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар ўтган давр оралиғида, яъни, ақлимни таниганимдан бери тахминан ўттиз-ўттиз беш ёшимгача Ватан ўзи нималиги, уни бир тугал таърифи борми деган савол юзасидан таассуротларимни содда, бадий – публицистик ва салгина образли қилиб ифодалаб берсам, уларни қуйидагича келтириш мумкин:

«Ватан»ни «Авесто»дан изладим, Спитамен суратига термилиб, чуқур ўй сўрдим, Қултегин ва Билгахоқон битигига кўз югуртирдим, Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»идан, Бухорийнинг «Ал-Жомеъ-ас саҳиҳ»ию, Термизийнинг «Суннан Термизий»сидан. Шу савол жавобини Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри»дан, Берунийнинг глобусидан, унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари»дан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»дан, Марғилонийнинг «Ал ҳидоя»сидан, Хоразмийнинг «Ал-жаъбр вал-муқобала»си ҳамда «Китоб сурат ул-арз»идан, Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум»идан изладим.

Мангубердидан «сўрадим», унинг сафдоши Темурмалик ҳам чуқур ўйга толди, кекса Кубро эса, отга қамчи солди, «Ё Ватан ё шарофатли ўлим», - деб қолди.

Ватанни ҳамон таърифлолмай, Амир Темурнинг мозий салтанатига термилдим, «Темур тузуклари»ни варақладим, Улуғбекнинг «юлдузлари»дан, Навоийнинг ғазалидан, «Хамса»си, бари-бари асаридан, Бобурнинг кўз ёшидан томган рубоийлари, «Бобурнома»сидан, Авлонийнинг «Алифбосидан», Фитратдан, Бехбудийдан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундузи» ва «халқидан», Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идан, Усмон Носирнинг хотиротидан, Ислом Каримовнинг «Келажаги буюк Ўзбекистон»идан, Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим»идан, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон»идан ўқидим.

Улар Ватанга берган таърифлар турли-туман, чек-чегараси ва ўхшаши йўқ, шу билан бирга, уларнинг барчаси ҳақ...

Яна айтишдики, «Ватан - ҳеч кимга берилмас маъводир, душманнинг оёғи қирқиладиган табаррук тупроқ. Ватан Она экан, яхшию ёмон боласин тишида тишлаб ўтар экан Ватан. субҳидамда, чол тушда, узун тунда тараладиган Она алласи экан Ватан!»

Ватан - ота юрт, аждодларинг кўмилган қабристон, мунғайган пастаккина томли уй экан... Ота-онанг излари қолган кўчалар, биринчи бор қорни кўрган, ўйноқи қорга ҳайратланиб термилган жойинг экан Ватан. Ватан - биринчи бор

бахорни таниган, илк бор варрак учирган, биринчи марта ҳайитлик олган еринг, биринчи муаллимнингни, биринчи муҳаббатингни таниган макон экан - Ватан.

Давом этдиларки, “Ватан ордир, номусдир, қомусдир, шарафдир-шондир. Ватан – опа-сингил, ака-ука, қариндош уруғим... Ватан жигаргўшаларим юрти, отамни, мени ва фарзандимни тебратган бешик, ана шу табаррук бешик излари чизилган замин, ана шу муқаддас бешикнинг ғичирлаган куйи экан – Ватан! Акам билан пойга ўйнаб кирар ҳовли-эшик экан Ватан. Ҳа чиндан ҳам ўхшаши йўқ экан Ватаннинг, илоҳий тушунча экан Ватан. Ватан саждагоҳ экан, онам каби қиблагоҳ, отам каби тоғ экан Ватан.

Мурғак синглимни асраган каби муҳофаза қилинадиган, акамдан ғурурланган сингари ғурурланадиган, укамдан фахрлангандек фахрланадиган, она ва опамнинг ибосидай пок хилқат экан Ватан! Фақат одамларигина эмас, бир сиқим тупроғининг иси ҳам азиз экан Ватаннинг.

Ватан - водий, теп-текис қумликлардан иборат чўлу биёбон - бетакрор манзаралар, боғлар, анҳору сойлар, тўрт фаслининг беқиёс об-ҳавоси билан мўътадил, серкуёш макон экан.

Хуллас, хизматкор ҳам ижодкор ҳам санъаткор ҳам, Ватанни севгисига мушарраф бўлишни ўзига саодат деб биларкан. Берилган барча таърифлар ҳаёлим қатларида бир-бир гавдаланди, садо бериб изма-из ўта бошлади. Бир неча йиллар давомида тафаккуримда чархланган соддагина ўз таърифим ҳам Ватан борасидаги тавсифларга қўшилиб, онгу-шуурида жуда катта ғалаён қилди.

Ватан нима деган саволимга ниҳоят жавоб топгандай бўлдим! Бундан қувондим.

Бироқ, кўнглим, Ватанга берилган барча таърифларни ҳали тугал эмас, деб қолди. Тугал жавобни топа олмадинг, деб қатъий туриб олди... Ундан қаттиқ ранжидим. Энди кўнглим билан тортишмоқдан ўзга чорам йўқ...

Ҳаётим давомида Ватанни англаш учун кўрган-билганларим, эшитган-ўқиганларим, йиққан маълумотлар, далиллар, улар асосида ёзилган ҳамда уни англаб етиш ва таърифлаш учун сарфлаган меҳнатларим камми дедим?

Албатта кам – деди кўнглим. Ундан баттар ранжидим.

Негаки, мен, юрт тарихини яхши ўзлаштирган, ўзлиги ва айниқса, Ватанини тўла англаган, севадиган, юртининг ҳар бир қарич ерини беш қўлда билладиган инсон дея ўзимни баҳолаб юргандим.

Лекин, кўнглимнинг эътирози бошимни ҳам қилди, мени уялтириб қўйди. Ноилож, кейин кўнглимни жеркиб бериб, унинг ўзини саволга тутдим.

– Эй, кўнглим унда ўзинг айт, Ватан нелигин?

У деди: Ватан ҳеч бир таърифга, ҳеч бир ташбеҳга сиғмайди, уни изоҳлаб берадиган тушунча йўқ! Ватан изоҳ доирасида эмас! Ватан бу - менинг мулким, – деди. Сенга ўхшаш, сенданга минг карра улуғ инсонлар ҳам бу заминга келган ва келаверади. Уларнинг сон-саноғи, адоғи йўқ. Улар ҳам Ватанга, яъники менинг мулкимга тугал таъриф топмаган ва топмаслар. Шу асосда сен ҳам асло ранжима! Билгинки, менинг мулким – мендадир, яъни англагинки, шунинг учун унга тугал таъриф фақатгина уни севувчи қалбларда мужассамдир... Тўғрида, ҳар бир инсоннинг қалбида ўз «Ватани» бор...

Бугун ёшим қирқдан ўтиб, Ватанга бўлган муҳаббат аслида ҳар бир шахс – инсоннинг қувончи, унга ҳақиқий рағбат берувчи бебаҳо неъмат эканлигини янада чуқурроқ англаб бораяпман.

Агар санъаткор ўзи куйлаётган сўзларининг маъносини тўла англамай туриб ёки сўзни тўғри талаффуз қилмай Ватан, Ватан деб сохта нола қилса, жаҳлим чиқади. Ватан сўзи муқаддаску, нега тил учида айтасан? Ватанга муҳаббат илоҳийку, нега ноланг қалбдан чиқмайди? Ҳадиси шарифларда келтирилганидек, «Энг кучли муҳаббат яширин муҳаббатдир», «Ватанга муҳаббат иймондандир», шундай экан, ўша муҳаббатни «ёв»лардан яширмай ошкор айтишга жазм этибсан, нега унда иймон билан айтмайсан? Нега кўшиғингда Ватанга бўлган чин ишонч сезилмайди?!

Кўп кузатганимиз - айримлар ўз хизмат ёки лавозим вазифасини адо этаётиб, «Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида тинимсиз, кечаю-кундуз ишлябмиз» деса, бу сўзлар эриш туюлади? Уларга қарата «аслида бу бурчингиз, сизга ишонч билдирган халқ ва Ватан олдидаги хизмат вазифангиз эмасми», дегим келади.

Шунинг учун ҳам ўз манфаатини юрт манфаатидан устун кўядиганларга тоқатим йўқ, ким бўлишидан қатъи назар, билибми ёки билмайми жонажон Ватанимиз шаънига хоҳ ичкаридан, хоҳ ташқаридан бўлсин, салбий сўз айтадиганларни, келтирадиганларни ёхуд ана шундай муҳит яратишга уринаётганларни, халқаро майдонларда унинг номига соя солмоқчи бўлганларни кўргани кўзим йўқ...

Қилаётган эзгу амалларимиз хайр-барокотли, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, кириб келаётган эзгу ва қутлуғ айём – Мустақиллик куни барчамизга муборак бўлсин!

Нуриддин МУРОДОВ, ФИБ Учтепа туманлараро суди судьяси

САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўз олдида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шу йўналишда жамиятнинг ва давлат қурилишининг барча соҳаларида демократик талабларга мос кўплаб ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида дунёда эътироф этилган демократик принцип, тамойиллар ва қадриятларга таяниш билан бирга, унинг ўзига хос хусусиятларини миллий-маданий мероси, қадриятлари ва миллий давлатчилик анъаналарига таянган ҳолда янги жамият қуриш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқ.

Мустаҳкам хавфсизлик, изчил иқтисодий тараққиёт учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, аҳоли турмуши даражасини кўтариш, конституцион тузум асосларини янада мустаҳкамлаш, миллатлар аҳиллиги, халқлар дўстлиги, фуқаролар эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатнинг асосий мақсадларидан биридир бўлиб келмоқда. Ана шу мақсадларни руёбга чиқариш учун жаҳон ҳамжамияти билан табиий алоқаларни йўлга қуйиш, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг миллий механизмлари ташкил қилинди.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида бошқарув тизимидаги кўламининг кенгайиб бориши ва ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай имкониятлар яратилди.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини

яраташ, экология масалалари, транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифалари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун ҳуқуқий асослар ва сиёсий шарт-шароитлар яраташга доир ислохотлар чуқурлашиб бормоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар самарали рақобат ва сиёсий жараёнда оммавий тарзда иштирок этиши, ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда давлатнинг у ёки бу соҳадаги сиёсати ҳаракатларини мувозанатда сақлаб туришда кенгрок имкониятларига эга бўлмоқда.

Мамлакатда демократик жамият асосларини барпо этиш ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки фуқароларнинг ахборотга доир ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш демократик ҳаёт барпо этиш йўлидаги ҳар қандай жамият олдида турган бирламчи масалалардан ҳисобланади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон бу борада энг тўғри йўлни танлади ва ушбу йўлдан оғишмай олға бормоқда.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларига, болалар, кариялар, ногиронларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилиш кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ўзининг муайян ижобий натижаларини намоён этмоқда. Бу тажриба фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, меҳнат ресурсларини ижтимоийлаштириш, минтақавий ривожланишни авж олдириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни барқарорлаштириш имконини беради. Маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маданияти, ёш авлодни тарбиялаш вазифалари долзарб бўлган Ўзбекистон учун бу ҳолат катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати жамиятда янгича фикрлаш асосларини яраташга ва демократик жамият барпо этишга кўмаклашади. Зеро, бугунги кунда давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, фуқаролар эркин фикрлаши, янги замон тартибларини тузишга иштиёқ билан интилишлари самарасини эътироф этмаслик мумкин эмас. Чунки

давлат фикрловчи инсонларнинг фуқаролик жамиятига таъсир ўтказиш қобилиятини мумкин қадар кўпроқ руёбга чиқара олган тақдирдагина кучли бўла олади.

Н.ЗИКИРОВА,
ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, ф.ф. PhD

ЎЗДЖТСУ БОҒИДА АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ



Жорий йил буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино таваллуд топганига 1040 йил тўлди.

Авиценна номи билан дунёга машҳур буюк олим Абу Али ибн Сино тиббиёт ва фалсафа, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, музика ва тилшунослик соҳаларини ўз ичига олган 450 дан ортиқ асарлари билан жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ҳисобланади.

Айниқса, буюк алломанинг «Тиб қонунлари» деб номланган нодир фундаментал асари тиббиёт фани тараққий этишида илмий дастур бўлиб хизмат қилган.

Мамлакатимизда, хусусан дунёнинг кўплаб мамлакатларида Ибн Сино бобомизнинг ҳайкали ўрнатилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳам Алломанинг яна бир улуғвор ҳайкали барпо этилди. Университет боғидаги Абу Али ибн Сино шарафига ўрнатилган мазкур ёдгорлик ҳайкалининг тантанали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Маросимда университет ректори Махмуджон Болтабаев бошчилигидаги профессор-ўқитувчилар иштирок этиб, ёдгорлик пойига гуллар қўйишди.

Маросимга йиғилганлар буюк қомусчи олим Ибн Синонинг босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг инсон организмнинг соғлом ва тетик бўлишида, узоқ умр кўришида жисмоний машқларнинг ўта муҳимлигини исботлаб берганликлари ва

бошқа амалга оширган буюк ишлари хусусида гапириб ўтишди. Шунингдек, талабаларнинг маънавий онгини юксалтиришда, уларнинг танлаган спорт йўналишидаги мутахассисликларда тиббиётнинг ўрни беқиёслиги, спорт ва тиббиётнинг бир-бирига ўзаро узвий боғлиқлиги, бу борада эса Алломанинг ўғитларини, асарларини чуқурроқ ўрганиш лозимлиги таъкидланди.

ЎЗА

ВАТАН МАДҲИ

Ойдан тушган эмас

Ҳеч кимни бахт ўз-ўзидан қучган эмас,
Қуш ҳам кўкка машаққатсиз учган эмас.
Ойдин тунлар, осойишта, тиниқ тонглар
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Мевасин еб, боғини ҳам сўраб кўйгин,
Керак бўлса, боғ атрофин ўраб кўйгин.
Ниҳолларнинг кокилларин тараб кўйгин,
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Бу бинолар қайдан бино бўлди экан?
Ким боболар қаддин расо қилди экан?
Нечук бизни бугун дунё билди экан?
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Эртақларда мўъжизалар сеҳр сабаб,
Гулу гиёҳ кўкаргаидир меҳр сабаб.
Тафаккурнинг хурлигига недир сабаб?
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Ўн саккизга кирган йигит сўзига боқ,

Юзига боқ, олов ёнган кўзига боқ.
Бу энг буюк хазинадир, дўстим,
бирок
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Шижоатнинг, жасоратнинг маҳсули бу,
Ироданинг, заковатнинг маҳсули бу,
Улуғ Инсон танлаб олган ҳақ йўли бу,
Ўзбекистон, бундаин бахт ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Айтгил, дўстим

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг,
тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?

Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?

Ахир, Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,

Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,

Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,

Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.

Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,

Бир бор назар солгин босган изингга сен,

Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни

Йироқларда дўндирасиз ёлғонни,

Учирасиз, кўндирасиз ёлғонни.

Эй, тўнини чаппа кийган жаноблар,

Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Ман-ман дея кўксингизга урибсиз,
Тоғ деб ўйлаб, яйдоқ қирда юрибсиз,
Абу Райҳон топган ерда юрибсиз,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Маънавият уммонида дур тердик,
Маёқ бўлиб йўлсизларга йўл бердик,
Муҳтож қолган ғанимга ҳам қўл бердик,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Тарихларга савол ҳар бир биноси,
Ҳар қадамда даҳоси, авлиёси,
Дардингизни олар Ибн Синоси,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Отанг бозор, онанг бозор дейдилар,
Кимлар учун бозор – мазор дейдилар,
Бекорчидан худо безор дейдилар,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Гуллаётган, ўсаётган элдир бу,
Зулмат йўлин тўсаётган элдир бу,
Инсон номин бежаётган элдир бу,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Ягонасан

Тупроғингда даҳолар хоки,
Ул соҳиби дунёлар хоки.
Боболарки, улуғ чинордек,
Момоларки, Қутлуғ Нигордек.
Чинорларки, бешиклар бўлган,
Келажакка эшиклар бўлган.
Сен онасан, муқаддас Ватан!
Ягонасан, муқаддас Ватан!

Хазинамсан, тахтим ўзингсан,
Қиёси йўқ бахтим ўзингсан.
Ер юзининг жаннати сенсан,
Яратганинг санъати сенсан.

Жаннатбоғим, ҳазраттоғимсан,
Меҳробимсан, саждагоҳимсан.
Сен онасан, муқаддас Ватан!
Ягонасан, муқаддас Ватан!

Манглайдаги Дурри Акбарим,
Не кўзларни олган гавҳарим.
Қора ният, ғараз сўзлардан
Асрагаймиз ёмон кўзлардан.
Кўксим ичра юрагим – тумор,
Бу туморда кутлуғ номинг бор.
Сен онасан, муқаддас Ватан!
Ягонасан, муқаддас Ватан!

Ўзбекистон, ёлғизим!

Ўзбекистон, онажоним, ёлғизим,
Боболарим кафтидаги юлдузим,
Жаннатлардан сувлар ичган
илдизим,
Жаннат маконим менинг,
Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг,
Ўзбекистон!

Самандарсан – оловлардан соғ

чиққан,
Бузрукворсан – етти ўғли шох
чиққан,
Алпомишсан – кўксидан чақмоқ
чиққан,
Ўлмас дostonим менинг,
Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг,
Ўзбекистон!

Ялпиз атрин билмас деҳқон
бўлгайми?
Тинчлик қадрин билмас ўғлон
бўлгайми?
Юртин севмас одам инсон
бўлгайми?
Нури иймоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг,
Ўзбекистон!

Неча аср кўз ёшларин ютган эл,
Соҳибқирон қайтишини кутган эл,
Юртбошини суйиб, бошда тутган эл,
Ўзбекистоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг,
Ўзбекистон!

Иқбол МИРЗО

ИСТИҚЛОЛ БАЙРОҒИ ҒУРУРЛАНИШ, КУЧ-ҚУДРАТ ДЕМАК

“Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!”

Истиқлол буюк имконият, фаровонлик, куч-қудрат манбаи. Бусиз давлатни давлат, халқни халқ деб бўлмайди. Эътибор беринг ер шарида қанчадан қанча нотинч, оловли жойлар, бир бўлак беминнат нонга, озодлик деган сўзга интиқ элатлар бор. Ўз байроғи, мадҳиясию қўшиғини юрагида сақлаб яшаётган халқлар ҳам йўқ эмас.

Она Ўзбекистоннинг эса мана 29 йилдирки, дунё сахнасида овози баралла жарангламоқда. Бу нечоғлик бахт эканлигини сезаётгандирсиз. Юрт байроғини океан ортида, БМТ қароргоҳида ҳилпирай бошлаган кун ёдингиздами? Мадҳиямиз илк бор жаранглаган, уни ёшу қари ўрнидан туриб кўзларида ёш билан тинглаган дақиқалар-чи?

Президентимиз ер юзи сайқали саналмиш Самарқанддаги Регистон мажмуасининг фусункор кичик макетини ўша машҳур Америкада, Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳида дунё сиёсатчилари, давлат раҳбарлари кўз ўнгида намоиш этгани-чи? Озод ва обод мамлакатнинг миллионлаб юраклари ғурурдан нечоғлик тўлқинланган эди ўшанда. Во ажаб ўтаётган ҳар бир кун, ҳар дақиқа улуғвор янгиликларга бой бўлмоқда. Кечагина бизга паст назар билан қараётганлар бугун “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси, ёзуви билан экспорт қилинаётган товарларимизни, замонавий жиҳозларимизни кўриб ҳайратга тушаётгани қалбимизга нечоғлик қувонч бағишламоқда?

Нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамиятига кундай равшанки, кейинги тўрт йиллик улкан ўзгаришлару оламшумул ислохотлар маҳсули сифатида инсон қадр-қиммати, шаъни ва манфаатларини ҳимоя қилишдек олийжаноб фазилатлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Шу тарихан қисқа даврда дунё Ўзбекистонни тараққиётга дадиллик билан интилаётган тинчликсевар давлат сифатида қайта таниди, унга том маънода қўл узатмоқда.

Мамлакатнинг ҳар томонлама инвестициявий жозибадорлиги яққол намоён бўлмоқда. Энг муҳими халқимиз улуғвор мақсадлар, умуминсоний кадриятлар билан яшай бошлади. Истиқлол одамларни боқимандаликдан буткул воз кечган ҳолда ташаббускорлик билан яшашга илҳомлантирди. Илгари давлат беради, давлат боқади, деган ялқовлик ўрнини бугун менинг мулким бу, шу ерда фарзандларим билан меҳнат қилсам, шу орқали яратсам бундан давлат ҳам жамият ҳам ва албатта ўзим ҳам наф кўраман деган улуғвор ният пайдо бўлди. Ана шу туйғу одамларни эзгуликка эш бўлиб, ҳаловатдан кечишга ундамоқда.

Хатто пандемия давридаги қийинчиликлар ҳам элимизни, хусусий бизнес рағбатлантирилган, ривож топаётган жамиятимизни заррача эсанкиратиб кўйгани йўқ. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари, раҳнамолигида ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар муаммоларга барҳам берди. Шу тариқа биз карантин талабларига мослашиб бордик, иқтисодиёт, хусусан озиқ-овқат манбаи саналган қишлоқ хўжалигидаги инновацион ўзгаришлар бугун бир муддат бўлса-да тўхтагани йўқ.

Аксинча, қишлоқ хўжалиги, унинг юраги саналган ва камбағалликни йўқотишда асосий манбаи ҳисобланган чорвачилик тизимларида ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Албатта юз бераётган ўзгаришлару ислохотлар негизида, фуқаролар онгида, давлат хизматчилари тафаккурида ташаббускорликнинг, ватанпарварликнинг жўш ураётганида, ҳеч шубҳа йўқки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, ғайрату шижоати турибди. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуслари билан ветеринария ва чорвачилик соҳасида ягона давлат сиёсатининг ишлаб чиқилгани, тизимнинг ҳуқуқий жиҳатдан такомиллашгани ва бу ўзгаришларнинг ҳаётда ўз аксини топаётгани миллионлаб кишилар рўзғорига кут-барака келтирмоқда.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Президент фармонлари ва қарорлари ижроси натижасида бугун чорвачилик фермер хўжаликлари сони 6 минг 445 тани, сут ва гўштни қайта ишлаш корхоналари 1300 тани, балиқчилик хўжаликлари 3 минг 800 тани, йирик паррандачилик фабрикалари 110 тани ташкил этмоқда. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни нафақат ички бозорга, балки экспортга йўналтириш кучайиб бормоқда. Асаларичилик, қорақўлчилик тармоқларида ҳам ўзгаришлар оз эмас. Иқтидорли, бир қанча хорижий тилларни пухта биладиган ва дунёнинг донғи кетган университетларида таълим олган ёшларнинг ташаббускорлиги туфайли қишлоқ хўжалигида кўшимча қиймат занжирини яратиш, шу орқали даромадни кўпайтириш аграр соҳада устуворлик қилаётгани ҳам том маънода Истиқлол туфайлидир.

Бугун биз кўп масалада хориждан ўрганаёпмиз, чет элдан ускуналар, технологиялар келтиряпмиз, эртага ҳеч шубҳа йўқки, улар биздан ибрат оладилар. Чунки давлатимиз раҳбарининг талаби, сўрови шундай. Ёшларга таянсақ, ҳар биримиз ватанпарварлик билан ўз вазифамизга ситқидилдан ёндошсақ, ислохотларда кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи, жонкуяр бўлсак юрт номи, унинг шону шуҳрати, иқтисодий қудрати янада ошаверади. Тупроғи олтинга тенг она ватанимиз Истиқлоли, унинг 29 йиллиги сизу бизга муборак бўлсин.

Одина ОТАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

КОРОНАВИРУС: ЕВРОПАДАГИ ВАЗИЯТ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТАРИЛИШИ МУМКИН



Долзарб шарҳ

Мана бир неча ойдирки, коронавирус пандемияси бутун дунёни таҳликага солиб турибди. Бу кўринмас офат ҳақида ҳар куни гапириляпти, ёзиляпти. Бироқ ҳануз инсоният уни жиловлашнинг уддасидан чиқаётгани йўқ.

Келинг, пандемия билан боғлиқ охириги ўзгаришларни бир таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқаришга ва яқин истиқбол учун прогнозлар қилишга уриниб кўрайлик.

Афсуски, умумий ҳолат ҳамон ижобий томонга ўзгаргани йўқ. Сўнги тенденциялар асосан салбий характерга эга бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Зарарланганлар сони ўсишда давом этмоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 25 август ҳолатига дунёда коронавирус билан касалланганлар сони 23,3 миллиондан ошди, тахминан 806,4 минг киши вафот этди. АҚШ 5,7 миллиондан ортиқ касаллик юқтирганлар сони бўйича ҳали ҳам биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўрин Бразилияга тегишли бўлиб, касалланганлар сони 3,6 миллион кишини ташкил этмоқда.

2. Иккинчи марта вирусга чалиниш ҳолати тасдиқланди

Шу пайтгача коронавирусни юқтирганлар бошқа бу касалликка чалинмайди, чунки уларда қайта касалланишга қарши иммунитет ҳосил бўлади,

деган қатъий фикр мавжуд эди. Афсуски, бу тезис ўзини оқламади. Коронавирусни қайта юктириш ҳолати генетик жиҳатдан исботланди.

Куни кеча Гонконг университети тадқиқотчилари коронавирუსга қайта чалиниш ҳолатини тасдиқлади. 33 ёшли ахборот технологиялари соҳаси ходими апрель ойида COVID-19 билан оғриган эди. Бироқ август бошида у Испаниядан қайтиб келиб, коронавирუსга тест топширган ва натижа ижобий чиққан.

Россия Федерациясининг Тува Республикаси раҳбари Шолбан Кара-оол ҳам иккинчи марта коронавирус билан касалланган. У май ойида биринчи марта вирусга чалинган эди. Шундан сўнг Кара-оол ўн кун мобайнида даволаниб чиқди. Орадан 3 ой ўтиб, август охирида Тува раҳбари яна бир бор касалликка чалингани маълум бўлди.

3. Россиянинг вакцинасига ишонч мустаҳкам эмас

Маълумки, дунёда биринчи бўлиб коронавирусга қарши вакцина Россияда яратилгани расман эълон қилинди. Ҳозирги кунда вакцина синовларининг охирги (учинчи) босқичи давом этмоқда. Бироқ ушбу вакцинага шубҳа билан қараётганлар оз эмас. Улар орасида ҳатто россиялик шифокорлар ҳам бор. Ўзбекистон ушбу вакцина клиник синовларининг барча босқичи якунланмагунча уни сотиб ололмаслигини маълум қилди.

4. Касалланганларнинг ҳар бешинчиси тиббиёт ходими

Коронавирусга чалинганлар орасида тиббиёт ходимлари кўпчиликни ташкил этмоқда. Бу эса ушбу инфекция қанчалик хавфли офат эканини яққол тасдиқлайди. Масалан, Қозоғистондаги статистика шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатда ҳар бешинчи касалланган одам тиббиёт ходимидир.

5. Болалар касалланганларнинг ўртача 7,5 фоизини ташкил этмоқда

Афсуски, дунё миқёсида болаларнинг коронавирусга чалиниш ҳолати жами касалланганларнинг тахминан 7,5 фоизини ташкил қилади. Шу боис, ЖССТ 12 ёшдан ошган болалар катталар билан бир қаторда ниқоб тақиши кераклигини маълум қилди. Болалар ва ўсмирлар худди катта ёшлилар каби вирус ташувчиси экани ҳақида етарли далиллар мавжуд.

6. Лотин Амрекаси: оптимизмга асос йўқ!

Ҳозир коронавирус билан боғлиқ дунёдаги энг қалтис вазият Лотин Америкасида бўлиб, инфекция юктирганларнинг кунлик кўпайиши ҳали-ҳануз жуда юқори. Масалан, Бразилияда ўтган ҳафтада ҳар куни ўртача 38 мингга яқин одам вирусга чалинган. Шунингдек, Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларида ҳам вазият мураккаблигича қолмоқда. Улар орасида Мексика (560 мингдан ортиқ), Перу (594 мингдан зиёд), Колумбия (541 мингдан кўп) ва Чили (398 минг) COVID-19 беморлар сони бўйича дунёнинг биринчи ўнталигига кирган.

Дунёда 20-ўриндан 12-ўринга кўтарилган Аргентинада эса касалликка чалинганлар умумий сони 342 мингга етди.

7. Европада коронавирус яна авж олмоқда

Бундан бир ҳафта олдин қатор Европа мамлакатларида касаллик бироз чекингандай бўлди, бироқ шу кунларда айрим мамлакатларда яна авж олди. Хусусан, Францияда инфекция тарқалиши кузатилмоқда. Грецияда коронавирусга чалинганлар кунлик ўсиши 284 тага етди, бу пандемия

бошланганидан бери максимал кўрсаткич. Шунингдек, Украина ва Испанияда ҳам вируснинг қайта тарқалиши ҳолатлари юз бермоқда.

8. Осиёда коронавируснинг янги ўчоқлари пайдо бўлмоқда

Осиёда ҳам вазият ҳали-бери барқарорлашгани йўқ. Масалан, Ҳиндистон коронавирус инфекциясини янги юқтирганлар сони бўйича дунёда етакчилик қилмоқда. Бу ерда кунига 61,4 мингта янги ҳолат қайд этилмоқда ва умумий касалланганлар сони 3 миллиондан ошди. Ҳиндистон охириги уч ҳафтадан бери дунёда кунлик ўсиш бўйича ҳам энг юқори кўрсаткични эгаллаб турибди.

Жанубий Кореяда эса кунлик касалланиш бўйича март ойидан бери энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Жанубий Корея матбуоти мамлакат эпидемиянинг иккинчи тўлқини билан тўқнаш келаётгани, унинг оқибатлари биринчисидан кўра жиддийроқ тусда бўлиши ҳақида ёзмоқда.

9. Африкада ҳам пасайиш юз бергани йўқ

ЖССТ минтақавий идораси томонидан кун кеча эълон қилинган маълумотларга кўра, охириги кунларда Африка мамлакатларида COVID-19 билан касалланганлар сони 10,1 мингта кўпайиб, тахминан 1,2 миллион кишига етди. Вирусга чалинганларнинг аксарияти Жанубий Африкада қайд этилган – 607 минг киши. Миср иккинчи ўринда бўлиб, бу ерда 97 минг киши касалланган. Нигерия (51,9 минг), Гана (43 минг), Жазоирда (41,4 минг) ҳам вазият яхши эмас.

10. Қатор давлатлар карантин чораларини яна кучайтирмоқда

Финляндия, Кипр, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Мальта, Норвегия, Сан-Маринода мамлакатга кириш тартиблари кучайтирилди. Исландия ҳам келувчиларга нисбатан талабларни оширди: деярли барча ташриф буюрувчилар карантин чекловларига риоя қилишлари керак. Умуман, барча Скандинавия давлатлари коронавируснинг иккинчи тўлқини тарқалишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

Англияда махсус қонун қабул қилиниб, унга кўра мамлакат полициясига 30 нафардан ортиқ меҳмон иштирок этган тадбир ва йиғинлар ташкилотчиларини жаримага тортиш ваколати берилди. Жарималар 10 минг фунт стерлинггача бўлиши мумкин.

11. Мактаблар вирус ўчоғига айланиши мумкин

Аксарият мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда, мактаблар фаолиятини қайта тиклаш ҳақида қарорлар қабул қилинмоқда. Зеро, узоқ вақт давомида «мактаб ҳаётининг етишмаслиги болаларга коронавирусдан кўпроқ зарар етказиши» маълум бўлди. Шу боис, мактаблар фаолиятини тиклаш тўғрисидаги қарорни ҳозирги вазиятда энг мақбул ечим сифатида баҳолаш ўринлидир. Чунки, барибир бу вирусдан яқин орада қутила олмаймиз, вакцина ҳам ҳали бери жорий қилиниши даргумон. Боз устига, масофавий дарслар ҳам деярли ҳеч қандай самара бермади. Шундай экан, ушбу вақт давомида фарзандларимиз билим олишдан орқада қолиб кетмасликлари зарур.

Шу билан бирга, мактаблар вируснинг янги ўчоғига айланиб кетмаслиги учун барча эҳтиёт чораларини кўриш лозим. Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мактабларда пандемия талабларига риоя қилинмагани оқибатида вирус тарқалиши ҳолатлари юз бермоқда. Масалан, Германияда ўқувчилар икки ҳафта олдин мактабларга қайтган эди. Шундан бери расмийлар Берлиндаги 825

мактабнинг 41 тасида вирус юктириш ҳолатлари аниқланганини маълум қилган. Вирус болаларнинг барча ёш тоифаларига юққан – бошланғич синфлардан битирувчиларгача. Юзлаб ўқувчилар ва ўқитувчилар карантинга олинган.

Мақтабларнинг очилиши билан боғлиқ янги ўчоқлар ҳақида АҚШнинг бир қатор штатлари расмийлари ва Исроил таълим вазирлиги ҳам хабар бермоқда.

Бир ҳафтадан сўнг мактаблар очиладиган Францияда эса 11 ёшдан катта болалар таълим муассасалари ҳудудида ниқобда бўлишлари шарт.

Хулоса: хориж тажрибаси бизга сабоқ бўлиши лозим

Коронавирус офати, шубҳасиз, энг кенг тарқалган пандемия сифатида тарихда қолади. Кунни кеча ЖССТ бош директори Тедрос Аданом Гебреисус ҳам COVID-19 пандемияси камида икки йилга чўзилиши мумкинлигини айтди. Унинг фикрича, шунча йўқотишлардан сўнг инсониятга умид бағишловчи ва устунлик берувчи бир жиҳат борки, у ҳам бўлса пандемияни тўхтатиш учун технологиялар ва билим мавжудлигидир. Айнан шу омиллар туфайли пандемияга яқин икки йил ичида барҳам бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина давлатларда, хусусан, Европа мамлакатларида юз берган пандемик жараёнлар 15-20 кундан сўнг Ўзбекистонда ҳам қайтарилиши муқаррар. Буни кузатиш ва таҳлил натижалари яққол кўрсатиб турибди. Демак, ушбу мамлакатлар тажрибаси бизга сабоқ бўлиши лозим.

Қолаверса, коронавирус инфекциясига қарши вакцина ҳали-ҳануз ишлаб чиқилмаган бир шароитда шу нарса аёнки, унга қарши курашнинг энг самарали чораси бу профилактикадир. Профилактика эса ҳаммага маълум бўлган ниқоб тақиб юриш, ижтимоий масофага риоя қилиш, ўз-ўзини ихоталаш, қўлларни тез-тез совунлаб ювиб туриш, дезинфекция ва бошқа усулларнинг комплекс йиғиндисидан иборат. Ана шу оддий талабларга риоя қилиш орқалигина биз вируснинг янги куч билан тарқалиши олдини олишимиз мумкин.

**Қодир Жўраев,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати**

ОГОҲЛИК: БИЗ ҲАЛИЯМ ҚЎРҚМАЯПМИЗ



Ҳатто номини айтишдан чўчиётганим бу хасталик тўрига қандай тушмаслик мумкин?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тан олишича, COVID-19 вируси инсон нафас олаётган ҳаво томчиларидан ҳам юқиши мумкин. Бундай томчининг аэрозоли ҳавода узок қолиши мумкинлиги айтилмоқда...

Бу маълумотни келтиришдан мақсадим, бировни хавотир ёки ваҳимага солиш эмас, аксинча, ҳар қандай бойликдан-да қимматбаҳо ва қадрли бўлмиш саломатлигимиз ҳақида жиддий қайғурмасак, эртага кеч қолишимиз мумкинлигидан огоҳ этмоқ, холос. Сабаблар жуда кўп. Айримларини изоҳлашга уринаман.

Қарийб олти ойча карантин туфайли шахсан ўзим деярли ҳеч ёққа чиқолмадим. Пойтахтдаги мавжуд воқелик, аҳволотдан баҳоли қудрат бохабарман. Табиийки, ҳаммёқда вазият кўпам мақтагулик эмас. Президент пандемия шароитида бўлса-да, ҳар ҳафта ўтказилаётган видеоселектор (албатта, видеоконференцалоқа-онлайн тизими асосида) йиғилишларини, энг аввало, 7 миллиардлик бутун дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган коронавирус балосининг Ўзбекистон халқига, жумладан, иқтисодиётимиз ва бошқа соҳаларга қай даражада зиён келтираётгани, тушов бўлаётгани ҳақидаги энг сўнгги маълумот ва хабарлар билан бошлаётгани бежиз эмас. Ва аёнки, бу борада ҳукуратимиз томонидан жойларда олиб борилаётган амалий ишлар, чоратadbирлар ҳам батафсил таҳлил этиб бориляпти.

Хўш, давлат томонидан машаққатли синов жараёнида биринчи навбатда аҳолининг камбағал, муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш бобида амалга оширилаётган хайрли ишлардан мамлакат фуқаролари қай даражада манфаатдор ва миннатдор бўлмоқда? Бу ғоят нозик масала-мавзуга айланганини ҳаммамиз маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, бугунги глобаллашув даврида энг тезкор ахборот воситасига айланаётган ижтимоий тармоқлар орқали ҳам кузатдик. Баҳс-мунозаралар ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Ҳозир бу ҳақда фикрлашмоқнинг мавриди эмас.

Энг оғрикли ва жиддий муаммо битта: кутилмаган балога қарши кураш кетаётган оғир паллада айрим одамларнинг **БЕПАРВОЛИГИ, ЛОҚАЙДЛИГИ, БЕПИСАНДЛИГИ** мени бир ижодкор сифатида қаттиқ ташвишга солмоқда.

Барибир рақамлар шафқатсиз: **бир кунда 8 бемор** вафот этгани, **касалликка чалинганлар сони қирқ мингдан** ошиб кетгани, минг афсуски, **COVID-19 қурбонлари 300 нафарга** етиб қолгани камлик қилаяптими бизга? Шунинг ўзи даҳшатли йўқотиш эмасми 34 миллионли Ўзбекистон учун! Умумий ҳисобни кўриб, ўзимизча хотиржамликка берилаётган бўлсак, бу энди катта хатолик аслида. Дунёдан ўтган юртдошларимизни санаб ўтайлик (*шахсан менинг таклифим, ўша машъум рўйхатни қанча оғир бўлмасин, барибир эълон қилиш лозим. Сабаби, тупроққа қўйилган ватандошларимизни энди тоифалар, номдор ёхуд таниқли эканига урғу бериб ажратишимиз инсонийликка асло тўғри келмайди*), улар орасида ҳатто ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиш эвазига жонини қурбон қилган тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳа вакиллари борлигини ҳам унутмайлик. Беқиёс қаҳрамонлик намунасини кўрсатган инсонлар хотирасини эъзозлаш ва ортида қолган фарзанду жигаргўшаларига меҳр-мурувват кўрсатмоқлик ҳам жуда катта савоб эканини яна бир карра эслатиб қўймоқ балки шарт эмасдир.

“Kun.uz” сайти германиялик профессор Вернер Бэрнинг қуйидаги хавотирларини чоп этди:

** Ўзбекистонда одамларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилсак, улар Германиядагига жуда ўхшаш. Дастлаб одамлар вирус хавфини жиддий қабул қилишди, тартиб-интизомга қатъий риоя этишди. Аммо вақт ўтиши билан фуқаролар бўшашидилар: ораларидаги ижтимоий масофани сақламай, ниқобларни тўғри тақмай қўйишди.*

** Мен ҳозир худди шунга ўхшаш вазиятни бу ерда ҳам кузатмоқдаман. Кунни кеча меҳмонхона деразасидан шундай ҳолатни кўрдим: фаввора ёнида ёшлар ниқобни тўғри тақмаган ва ижтимоий масофани сақламаган ҳолда дам олишяпти.*

** Афсуски, Германияда одамлар тартиб-интизомга риоя қилишини унутган ўша пайтда вируснинг қайд этилиши анча ўсди. Вазиятдан фойдаланиб, юртингиз аҳолисини огоҳликка чақирмоқчиман. Агар орангизда шундай бефарқ одамлар кўпаядиган бўлса, бир-икки ой ичида касалликни янги юқтирганлар сони кескин ортиши мумкин.*

Шунинг учун ҳам эҳтиёт чораларига қатъий амал қилиш зарурлигини айтмоқчиман. Вазиятни назорат қилиш одамларнинг ўз қўлида.

Олис Олмониядан келган меҳмонки, биздаги ажабтовур ҳолатни кузатиб шундай хулосага келибдими, хавотирланишга жиддий асослар етарли. Эрта баҳордан бери карантин қоидаларига Махсус комиссия томонидан бир неча марта ўзгартиришлар киритилди, ҳудудлар турли рангларга ажратилди. Лекин аҳоли ўртасидаги аҳвол ўзгардимиз? Яна ўша, ўзимиз кўравериш кўзимиз пишиб кетган аянчли манзаралар намоён бўлди: 30 кишилик тўй-томошага навбати билан 300 одам келиб-кетди, хусусий телеканалларда қайсидир санъаткор ҳовлисидаги “бепул” концерт ниқобсиз, масофасиз тўғридан-тўғри намоёиш

қилинди, “25-соат” деган кўрсатувда қонунбузарлар баҳонасида инсон ҳақ-ҳуқуқи, шаънига тўғри келмайдиган лавҳалар кўрсатилди, пандемия баҳонасида ҳаром лўқмадан ҳазар қилмайдиган қанчалаб корчалон-раҳбарлар бойиб кетди, айрим маишатпараст, муттаҳам маҳалла оқсоқоллари ўз нафсларини турли йўллар билан қондиришга уринди. Қўйингки, хатолиғ ортидан хатолар урчиди, иймонини ютганлар сафи кенгайди. Карантин талаб-қоидалари сал юмшатилди, дейилиши биланоқ тағин пала-партиш ҳаёт тарзи давом этаверди. Ҳозир, шу кунларда аҳвол ундан баттароқ десам ишонаверинг. Айниқса, бозорлар, супермаркет ва бошқа аҳоли гавжумлашадиган жойларда назорат унутилиш даражасига тушиб қолди. Энг ёмони, тожсимон вирусга чалиниш, вазиятнинг чигаллашуви, ва ниҳоят, тузалиш билан боғлиқ кунлик ахборотларнинг айрим одамларга қизиғиям қолмади. Бепарволик билан қўл силтаб, ҳеч қандай ҳимоя воситасисиз жамоат жойларида вирус тарқатаётганлар, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сони мингта. Тўй ва бошқа маросимларга яна гуруҳ-гуруҳ бўлиб бориш авжига чиқяпти. Бу нимадан далолат беради? Албатта, боқибегамлик, беписандлик, ўзбошимчаликдан-да!

Уч кун бурун Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига боришимга тўғри келди. Қадим шаҳар кўчаларини кузатдим. Ишонсангиз, ёши каттароқ одамларнинг аксарияти ниқоб такқан, лекин ёшларнинг асосий қисми номига, бурнига илдириб олган, холос. Эрмак деб ўйлаяпти чоғи кўпчилик бу қалтис ҳолатни. “Улуғбек”даги нон бозорига кирдик. Игна ташланг, ерга тушмайди одамнинг кўплигидан. Бепарволик ҳам эви билан-да. Бир маҳал нонсотувчилар шивирлашиб қолишди. Не кўз билан кўрайки, ҳаммаси харидорларни тартибга чақиряпти: “Илтимос, масофа сақланглар! Амакижон, нега маскангиз йўк, кўркмайсизми?” Қарасам, икки формали мелиса юрган экан, улар келгунича аҳвол қандай эди-ю, кетганидан кейин не бўлди? Қачонгача бошимизда назоратчилар калтак кўтариб туриши керак? Ўрганиб қолдик-да.

Катта томошани Қашқадарёда кўрдим. Танишлардан бири ўғил ўйлантираётган экан. Мен ва ҳамроҳим қалин ниқоб такволганмиз. Ҳамма бизга қарайди. Деярли санокли кишиларгина эҳтиёт чорасини кўрган, бошқалар эса бир-бири билан кучоқлашиб, ўпишиб кўришиб ётибди. Ажабсиниб сўрадим тўй соҳибидан: “Оғайнижон, шу тўйчангизга қанча одам айтувдингиз, ҳеч охири кўринмаяпти келувчиларнинг?” У бўлса ширакайф ҳолда кулиб: “Юз кило лазер гуруч обердим ошпазга, катта бир хўкиз сўйдик, ҳалиям қишлоққа жамоат айттирмадим, эплаб бўлмайди, соатга бўлиб-бўлиб 30-40 кишидан айттирдим. Нима қилай, менам шуларнинг тўйида еб-ичганман, элга бермасам уят бўлади!”

Мен не дейман, кўбизим на дейди. Бундайларнинг миясида пандемия деган балодан чўчиш, хавотирланиш деган тушунча умуман йўк. Тасаввур ҳам қилолмайди, ҳатто уйида оддий шамоллашга қарши дори-дармон тополсангиз қойил дейман.

Кўшним ёзғириб қолди яқинда: “*Кўряпман статистикани, шу номинг қора бўлгур дард қишлоқларимизни четлаб ўтсин-да. Акси бўлса, Худойим қўш-қўллаб урди деяверинг, ака. Нега дейсизми, чекка жойларда аҳоли дорихонага қадам босмайди. Шаҳарда кўрдик, ҳалиги телевизорда врачлар чиқволиб, фалон дорини гамлаб қўйинг, уйингиздаги аптечкада ушбу рўйхатдагилар бўлиши шарт.*

Бўлмаса, аҳволингизга вой деганидан кейин қанақа тўс-тўполон, ур-йиқит бўп кетди аптекаларда. Энди ўша сотиб олинган дориларни зарарли деб чиқишганидан кейин айримлар жинни бўп қолай деди”.

Албатта, яхши муждалар ҳам эшитяпмиз: Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбари Фурқат Санаев Ўзбекистон коронавирусга қарши эмлаш дастурига қўшилганини кеча маълум қилди. Унинг изоҳ беришича, шу йилнинг 24 август куни Женевада бўлиб ўтган брифингда ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесус коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқиш ва тарқатиш бўйича COVAX халқаро механизмига 172 давлат қўшилгани ҳақида хабар берган. ЖССТ ва унинг Европа минтақавий бюросининг фаол аъзоси сифатида Ўзбекистон ҳам ташкилотнинг коронавирусга қарши эмлаш дастурига қўшилибди. Айтилган пайтда ЖССТ портфелида коронавирусга қарши 9 та вакцина мавжуд экани айтилмоқда.

Хулоса қилмоққа шошилмайлик. Муҳими, соғу саломат бўлсаккина, бу дунёнинг кувонч-ташвишлари татийди. Ватанда эса энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 29 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қизияпти. Тўрт мучамиз омон бўлса, бундай шукуҳли байрамлар, тантаналар, тўй-томошалар кўнгилга хуш ёқади. Ҳаммамизга тани сихатлик ҳамроҳ бўлсин.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг
29 йиллигини муносиб кутиб олишга кўтаринки руҳда тайёргарлик
кўрилмоқда.*

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўй кўрсатиб турган озод ва обод Ватан манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидан. Шу боис халқимиз ҳар йили энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ўзгача шукуҳ, юқори кайфият билан кутиб олади. Мустақиллик – энг улуғ, энг азиз байрам. Бу кун хурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини юзага чиқаргани, миллий ўзлигимиз, қаддимиз ва қадримизни тиклагани билан улуғ, мўътабар. Мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани, фарзандларимиз келажагига мустаҳкам замин яратаётгани билан азиз ва муқаррамдир.

Байрам тантаналаридан сурур туйган юртдошларимиз тилида “Сен –қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” деган сўзлар қалб изҳори янглиғ янграмоқда. Диллардан дилларга кўчмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга назар ташласак, илм-фанга бўлган эътиборнинг юқори даражада юксалаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил — “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлашни таклиф этилиши бу борадаги кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганининг амалий натижасидир.

Энг аввало, илм-фан соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида “Фан тўғрисида” қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қолаверса, ўтган қисқа давр мобайнида илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Натижада инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қиймати 151 миллиард сўмлик 55 лойиҳани амалга ошириш учун қулай замин яратилди. “Буюртмачи-тадқиқотчи-инвестор” махсус портали ишга туширилиб, тижорат банклари билан 19 янги “Start up” корхоналар ташкил этилди.


Шунингдек, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳити энг катта бойлигимиздир. Ана шу неъматни асраш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш асосий вазифаларимиздандир. Зеро, бугун дунё воқеаларига назар ташласак, турли ҳудудларда қарама-қаршилик ва тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кузатиб, хушёрлик ва сезгирлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи

барчамиздан талаб этаётганига амин бўламиз. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни юқори босқичга олиб чиқиш, чегарадош давлатлар билан аҳил қўшничилик муносабатларини олиб боориш борасидаги ислохотлар мамлакат, минтақа ва халқаро доирада ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу ислохотларнинг муваффақиятли кечишида оддий бир ҳақиқат ётади. Бу инсонларнинг бир-бирига айниқса тарихан қондош ва яқин миллатларнинг ўзаро яқинлашувга интилишидир. Зеро, глобал миқёсдаги тинчлик ва фаровонликнинг асосида мамлакатлар ва минтақалардаги ўзаро ҳамжихатлик ва барқарорликни таъминланиши туради.

Ш.БЕКНАЗАРОВА,

**Тошкент тиббиёт академияси
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва
маърифат бўлими услубчиси**

МУСТАҚИЛЛИК – ХУҚУҚ ДЕМАҚДИР



Мустақиллик барча жабхалардаги ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш ва умумбашарий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини эмин-эркин ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради.

Биз учун мустақиллик, энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, бошқара олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталик, баркамолликни сақлашдир.

Асосийси, бундан 29 йил аввал берилган имконият амалиёти – бизга берилган ҳуқуқдир. Бу – юртимизнинг табиий бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқи, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақли заковатига таяниш ҳуқуқи, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи, келажак авлодлар учун ҳар томонлама юксалаётган, ривожланаётган Ватан қолдириш ҳуқуқи.

Мустақиллик туфайли айнан ана шу ҳуқуқлар амалиёти асосида Ўзбекистонни дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакати тан олди, 125 дан ортиқ мамлакатлар билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатдик.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида давлатимизнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги ҳуқуқий тамойиллари ишлаб чиқилди.

Салкам ўттиз йиллик меҳнатимиз, саъй-ҳаракатларимиз, интилишларимиз, мақсадларимиз сари ишончли одимларимиз, энг асосийси, ҳуқуқий мукамал жамият барпо қилиш мақсадида жадал олиб борилаётган ислохотлар натижасида миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган авлод етишти, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизлар тарбияланмоқда, вояга етмоқда ва ўз бахтини ўзи яратмоқда.

Ҳозирги пандемия шароитида замон, инсоният ўзгараётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳаммамиз эркинлик, очиклик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганмоқдамиз. Зеро, барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда ва шу йўлни тўғри деб билмоқда.

Дарҳақиқат, даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз, ҳуқуқимизни билиб, бошқаларни уни ҳурмат қилишга ўргатиб, ишонтириб, инонтиришимиз керак.

Хўш, бу истиқлолий муваффақиятларга нималар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий кудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган давлатга айланди.

Қисқа фурсат мобайнида мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очик ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этила бошлади.

Жамиятда тадбиркорлик муҳити жонлантириб юборилди. Ишбилармонларга давлат томонидан қулай имкониятлар яратиб бериляпти. Ҳар бир оилада тадбиркорликка, ўзини ўзи боқишга, реал даромадга эга бўлишга мойиллик ҳисси шакллантирилмоқда, ташаббуслар рағбатлантирилмоқда. Буларнинг бари мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизматларнинг мисли кўрилмаган турлари, кўплаб янги иш жойлари юзага келишига асос бўляпти. Халқ онг-тафаккури, дунёқарашининг ўзгаргани – мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз.

Башарият тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳеч бир мамлакат ўзи ёлғиз ҳолда тараққий этган эмас. Чунки мураккаб дунёнинг кўпдан-кўп муаммолари айнан ҳамкорликда, дўстона тарзда ҳал этилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки

хамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига қатъий амал қилинади.

Давлатнинг халққа бундай қайишиши натижасида одамларнинг руҳиятида катта ўзгариш юз берди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортди, сиёсий хабардорлик даражаси кўтарилди.

Сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам ўзининг 25 йиллик фаолияти давомида Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини куриш борасида бир қатор амалий ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Партиянинг келгуси фаолиятида ҳам инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги мезонлари асосида таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, бугун биз ўта таҳликали ва қалтис замонда яшайпмиз. Ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз зарур. Миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш бугун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз даркор. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, бугунги тинчлик-осойишталик ўз-ўзича таъминланаётгани йўқ. Мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Зеро, Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!

Гулрух АГЗАМОВА

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СЎНГГИ 10 ЙИЛЛИҚДАГИ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ



Миллий олимпия кўмитаси Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистоннинг сўнгги 10 йилликдаги энг яхши спортчисини аниқлаш бўйича танлов эълон қилган эди. Мазкур танлов ўз якунига етди.

Унга кўра, 20-24 август кунлари роппа-роса 5 сутка давом этган танловда 2011-2020 йиллардаги энг яхши 5 нафар спортчимиз номи овозга қўйилди. Жараёнда 100 мингга яқин ҳамюртимиз иштирок этди. Улар орасида афсонавий Оксана Чусовитина 35 639 овоз (36%) тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Бир неча кун давом этган танловда профессионал бокс бўйича WBA ва IBF камарлари соҳиби Муроджон Аҳмадалиев эса 29176 овоз (29%) билан иккинчи ўринни эгаллади.

Батафсил:

1. Оксана Чусовитина – 35639 овоз (36%)
2. Муроджон Аҳмадалиев – 29176 овоз (29%)
3. Руслан Нурудинов – 15842 овоз (16%)
4. Ришод Собиров – 11494 овоз (11%)
5. Шаҳобиддин Зоиров – 7760 овоз (8%)

Маълумот учун, Оксана Чусовитина 1975 йил 19 июнь куни Бухоро шаҳрида туғилган. Жаҳонда спорт гимнастикаси бўйича Олимпия ўйинларида энг кўп иштирок этган спортчи (1992, 1996, 2000, 2004, 2008, 2012, 2016).

1992 йил Барселонада ўтган Олимпия ўйинлари олтин медали соҳиби, таяниб сакраш йўналиши бўйича 9 карра жаҳон чемпионати совриндори.

Таяниб сакраш, эркин машқ ва параллель тўсинларда бир неча мураккаб элементлар муаллифи. Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионати ғолиби, фаолиятини яқунламасдан туриб Олимпия ўйинларида иштирок этиш бўйича (спорт гимнастикасида) Халқаро гимнастика шон-шараф зали ва «Гиннеснинг рекордлари» китобига ўз номини ёздириб қўйган.

2019 йил Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионатидаги иштироки орқали Токио-2020 Олимпия ўйинларига йўлланма олди. Токио Олимпиадаси Чусовитина учун фаолиятидаги саккизинчи Олимпиада бўлади.

Оксана Чусовитинанинг юртимиз спорти ривожига қўшган ҳиссаси ҳукуратимиз томонидан юксак баҳоланиб, у давлатимиз томонидан «Дўстлик», «Меҳнат шуҳрати», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари билан тақдирланган.

ЎЗА

МУСТАҚИЛЛИКНИ ҚАДРЛАЙЛИК АЗИЗ ЁШЛАР!

Неча асрлар давомида аждодларимиз, улуғ юртдошларимиз орзу қилган ва бунинг учун қанча курашлар олиб борган улуғ байрам – давлатимиз мустақиллик кунини халқимиз ҳар йили муносиб равишда нишонлаб келмоқда. Мана бу йил мустақиллигимизнинг 29 йиллигини нишонламоқдамиз!

Сўз мустақиллик ҳақида борар экан, бу неъматнинг қадрини яна бир бора эсламасдан, тасаввур қилмасдан фикрни давом эттириш ҳар бир жонкуяр юртдошимиз учун қийин албатта! Шундай экан, мустақиллик нима?

Мустақиллик инсониятнинг азалдан орзу-умиди бўлиб келган. Ана шу ғоя асосида АҚШ, Франция, Лотин Америкаси мамлакатларида инқилоблар юз берди. XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошлади.

Айни чоғда, собиқ СССР парчаланиб унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди.

Социалистик тузумдаги собиқ СССР парчаланишга юз тутди, аммо юқори доирадагилар шундай бўлса-да, уни сақлаб қолиш учун турли режалар тузишга уриниб кўришди. Мамлакатда қалтис вазият юзага келган эди. Шундай вазиятда халқимизнинг, аждодларимизнинг азалий орзусини рўёбга чиқариш йўлида шу азиз юртимизнинг биринчи раҳбари, Республиканинг Биринчи Президенти Ислам Каримов катта жасорат, аниқ мақсад билан қадам ташлади ва 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги элон қилинди. 1 сентябрь халқимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаган ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айёмга айланди.

Ахир, мустақиллик учун халқимизнинг буюк ўғлонлари неча асрлар давомида кураш олиб борди. Бу курашлар аслида бир дам ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Лекин собиқ шўролар тузуми даврида мустақиллик учун, озодлик учун шу мамлакатнинг, миллатнинг тақдири учун қайғурган, XIX аср охири XX аср

бошида кураш олиб борган жадидлар, юртимиз тарихида мангуга қолган десак муболаға бўлмас. Шунинг учун ҳам мамалакатимиз Биринчи Президенти И.Каримов фармони билан Тошкентнинг Юнусобод туманида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси барпо қилинган.

Мустақиллик туфайли тилимиз, динимиз, миллий ғуруримиз, Наврўз, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити каби миллий байрамларимиз қайта тикланди. Юртдошларимиз Ҳҳаж ва Умра сафарларига эркин бориб келадиган бўлди. Илгари номи ҳам, асарлари ҳам биздан сир тутилган буюк аждодларимиз яна ўзимизга қайтди. Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Ҳазрати Имом, Самарқанддаги Имом Бухорий, Урганчдаги Жалолиддин Мангуберди, Термиздаги Алпомиш ёдгорлик мажмуалари каби кўплаб масканлар мустақиллик шарофати билан барпо этилди, қайтадан обод қилинди. Мустақилликка эришгач миллийлигимиз, маънавиятимиз, кадриятларимиз, маданиятимиз қайта тикланди.

Мустақиллик туфайли халқимиз эркин яшаш, эркин фикрлаш, эркин таълим олиш, эркин эътиқод қилиш каби улуғ неъматларга эга бўлди. Зеро, бунинг барчасидан собиқ тузум даврида йиллар давомида маҳрум бўлиб келган халқ учун, унинг фарзандлари жадидлар бежизга таълимни ривожлантириш ғоясини илгари сурмаган эди. Юзлаб шу юртнинг фарзандлари шу мамлакатнинг келажаги, тараққиёти ва албатта мустақиллиги йўлида хорижда ўқиб юртга хизмат қилиш ниятида бўлганлар! Афсуски собиқ коммунистик жамият, тоталитар тузум миллий зиёлиларни асосиз қириб ташлади, сургун қилди.

Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган янгилашнилар, ислохотлардан эса ҳар бир инсоннинг кўзлари қувончга тўлади.

Ҳар бир ёш бугун ўзининг севган йўналишида истаган олий таълим даргоҳида ўқиши, ўзига муносиб касб эгаси бўлиши мумкин! Танлаш имкониятлари талайгина. Бунинг учун улар фақат интилсалар ва қалбида жадидчи зиёлилар сингари аниқ мақсад билан ўқисалар, илм ўргансалар, мустақиллик туйғуси билан нафас олсалар, ўзларини келажак бунёдкорлари деб билсалар бас.

Зеро, юртимиз келажаги ёшлар кўлида эканлигини унутмасликлари лозим!

Б.РЎЗИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ОЛИЙ ҚАДРИЯТГА АЙЛАНМОҚДА

Коронавирус пандемияси ташвишлари билан овора бўлиб, халқимизнинг улуғ айёми – мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами тобора яқинлашаётгани хаёлимиздан бироз фаромуш бўлаётир, назаримда. Келинг, байрам арафасида узоққа бормай, сўнги уч-тўрт йил мобайнида мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга бир разм солайлик. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий айтганидек, мозийга қараб иш тутмоқ хайрлик, дейдилар.

Қариялар дуоси

Шукрки, ёши тўқсонга кираётган отам ҳаёт. Онам яқинда 86 ёшида қазо қилди. Биз фарзандларнинг бор давлатимиз, куч-қудратимиз манбаи оналаримиздир. Илгари ҳар сафар олис Чироқчига борганимда, отам бир нарсани мендан сўрарди: ўғлим, карточкадаги пулни нақдлаштириб бер ёки почтанинг “катта”сига айт, менинг пенсиямни нақд пулда берсин. Бу карточкалар бизнинг бозорларда ўтмаса...

Гоҳ почта бўлимининг бошлиғига илтимос қилар, гоҳ банкка сим қоқардим, отамнинг илтимосини бажаролмай мулзам тортган кунларим ҳам бўлган. Ўзимиз ҳам нақд пул зарур бўлиб қолса, нечадир фоиз эвазига қайсидир таниш магазинчига илтимос қилардик. Дўконларда маҳсулотнинг икки хил нархи мавжуд бўларди.

Бу гаплар бугун бироз кулгилироқ туюлаётган бўлиши мумкин. Лекин яқин йилларда реал ҳаёт шундай – буюк давлатни қуришга чоғланган мамлакат учун бу шармандали ҳол эди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари илк қадамларини кексаларнинг дуосини олишдан бошлади, десам ҳеч муболага эмас. Бугун мамлакатнинг олис қишлоқларида ҳам пенсия ва нафақалар нақд пулда берилаётир. Бу халқ давлатга эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойилнинг биринчи амалий ифодаси эди.

Меҳр меҳрни туғдиради

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда прагматик иш юритаётгани кўшниларга муносабатда яққол намоён бўлмоқда.

Кўшнинг тинч – сен тинч, дейди донишманд халқимиз. Кўшниларимиз орасида нотинчлари ҳам бор. Масалан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, биз ҳеч қачон оёғимизни узатиб ухлолмаймиз. Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ҳаракатлари ҳатто Афғонистон давлатининг душманларида ҳам хайрихоҳлик уйғотмоқда.

Ўзбек хонадонида ош ёки бирон тансиқ таом тайёрланса, албатта, бемор ё ногирон, ёлғиз кўшнисига ҳам бир коса чиқарилади. Мен давлатимизнинг Афғонистонга қилаётган хайрия тадбирларини шундай тушунаман.

Кўшниларимиз қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ким? Улар бизнинг оғаниларимиз. Йиллар давомида олиб борилган совуқчилик сиёсатидан кўпроқ оддий фуқаролар жабр кўрди. Ота боласини йиллар давомида кўролмади, ака-ука, опа-сингил, қариндошлар бир-бировининг дийдорига зор бўлди. Ота-онасининг жанозасида қатнашиш учун узоқ Америкадан учиб келган ўғил-қиз Тошкентдан Тожикистонга ўтолмади.

Аслида бу эллар асрлар оша бирга яшаган. Уларнинг тили, дини, анъаналари, урф-одатлари, келиб чиқиш тарихи, келажаги бир. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, уларни айро тасаввур этиш қийин.

Томчи тошни тешганидек, Ўзбекистон томонидан юритилаётган меҳрга асосланган сиёсат ўз натижаларини бера бошлади. Яккам-дуккам учраб турган бузғунчилик ҳоллари сира халқларимиз ўртасига нифоқ уруғини сеполмайди. Буни халқларимиз яхши билади.

Ғам-ташвиш одамларни бирлаштиради

Юртбошимиз кейинги пайтларда ўтказётган машваратларида кўп бора таъкидлаётганидек, бу йил мамлакатимиз учун оғир келди. Бухоро ва Сирдарёдаги табиий офатларга бутун дунёни мушкул аҳволга солиб қўйган тождор вирус ташвишлари кўшилиб, Ўзбекистон халқини ҳам қийин синовдан ўтказмоқда.

Дўст оғир кунда билинади, дейилади халқ мақолида. Бухоро вилоятидаги қаттиқ шамол, Сардоба сув омбори тошқинидан кўрилган талофат оқибатларини тугатишда халқимиз кўрсатган жасорат, аҳиллик ва бирликка жаҳон аҳли қойил қолди, десак адашмаймиз. Президентимиз ташаббуси билан мамлакат миқёсида кенг ёйилган саховат ва кўмак тадбирларини ҳар бир юртдошимиз қўллаб-қувватлади. Ўзбек бойлари, тадбиркор аҳли оёққа турди. Ўзбекистоннинг ҳар бир каттаю кичик фуқароси хайрия ишларига қўлидан келганча ҳисса қўшди. Бугун Сирдарёга бир бориб, у ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик, тикланиш ишларини кўрсангиз, агар халқ бирлашса, ҳукуматни қўллаб-қувватласа, қандай катта юмушларни бажариш мумкинлигига гувоҳ бўласиз. Дунё аҳли олдида биз кимлигимизни, қандай катта ишларга қодирлигимизни, халқимиз ҳукумат олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қай даражада қўллашини яна бир бор намоёйиш этдик. Беихтиёр, буюк адибимиз Чўлпоннинг “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир”, деган доно сатрлари ёдимизга тушади.

Шу кунларда эса халқимиз яна бир оғир ташвишни бошидан кечирмоқда. Мамлакатни қора вабодек коронавирус деган бало қамраб олди. Биз бу қаттиқ

синовдан халқимиз эсон-омон ўтишига, кучли бўлиб чиқишига ишонамиз. Чунки халқимизни қўллаб-қувватлаб турган Президентимиз, давлатимиз бор. Айниқса, кейинги йилларда аҳолини қўллаб-қувватлаш, унга енгиллик, зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинаётган фармон ва қарорларни кўриб, унинг мазмун-моҳиятини англаб, кўнглинг ўсади. Шу халқ омон бўлсагина, биз олдимизда турган ёруғ ниятларимизга эришамиз. Шу халқ омон бўлсагина, Ўзбекистон деган давлат дунёда ўз ўрнини топади, гуллаб-яшнади. Биз халқимизнинг фаровон кунларига тўқис-туғал боришни, катта байрамларида, тўйларида эсон-омон кўришишни хоҳлаймиз ва Яратгандан ягона ўтинчимиз шул: ўтмишда кўп азобларни кўрган шу мушфиқ ва камтарин, меҳнаткаш халқимизни ўзинг паноҳингда асрагин, Аллоҳим!

Халқ манфаати – олий аъмолимиз

Шавкат Мирзиёев давлат тепасига келган биринчи кунларданок очиқ-ошкора эълон қилди: бизнинг мақсадимиз халққа хизмат қилишдир. Энди халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилади.

Бугун ошкоралик замони. Ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда олиб борилаётган қанча-қанча ижобий ишларга қарамасдан, бизни танқид қилаётган, камчиликларимизни бўрттириб кўрсатаётган чиқишлар ҳам етарли. Майли-да, балки бу ҳам керакдир. Турли фикрлилик, сўз эркинлигига интилаётган эканмиз, бундай қарашларга ҳам чидашимиз керак бўлади.

Келинг, мен сизларга Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган яна иккита ижобий ишни айтмоқчиман. Бири, иқтисод тили билан айтганда, конвертация. Конвертация ҳар бир мустақил давлатнинг иқтисодий ҳаётида қандай роль ўйнашини кўпчилик яхши билади. У мустақил давлатнинг белгиларидан биридир. Марказий банкимизнинг дадиллик билан халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда олиб бораётган конвертация сиёсати ўзининг ижобий самараларини бераётир.

Конвертация мавжуд давлат халқаро иқтисодий алоқаларда тенг ҳуқуқли субъект ҳисобланади. Конвертация бор юртга инвесторлар ишонч билдиради, туристлар оқими кўпаяди. Фуқароларимиз учун ҳам бу анчагина енгиллик яратади, пул кадрсизланишининг олдини олади. Бугун мамлакатимизда нақд пул муаммосининг йўқлиги ҳам конвертациянинг бир натижасидир.

"Прописка" – Тошкент шаҳри ва вилоятида яшаш учун доимий рўйхатга қўйиш ўн йиллар мобайнида юртдошларимиз учун катта муаммолар туғдирди. Мен йигирма-ўттиз йиллаб ўзи яшаб турган уйга ўзи ва оиласини, фарзандларини доимий рўйхатга қўйолмай, ҳар олти ойда паспорт столлар олдида сарғайиб навбат кутиб, муаммолар ва ташвишлар гирдобиде яшаган неча-неча одамларни биламан.

Бу муаммонинг ҳал қилиниши, ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида инқилобий воқеа бўлди. Шу ўринда бу кўпчиликнинг кўнглидаги иш шахсан Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У кишининг оддий халқ ҳаётини яхши билиши, бир вақтлари ёшлигида ўзи ҳам мана шу муаммога дуч келгани, ижтимоий тармоқлардаги аҳолининг чиқишлари ва мурожаатларини назардан қочирмагани айтиш мумкин. Бу минглаб ватандошларимизнинг ҳаётида ижобий из қолдириб, улар ўзини шу Ватаннинг тенг ҳуқуқли фуқароси, шу юрт эгаси сифатида ҳис қилиб яшаши, фахрланишига сабаб бўлади. Кейинги авлодлар ҳам ҳукуматнинг бу қарорини ҳали кўп миннатдор бўлиб, тилга олади.

Ҳаётимиз шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бормоқда. Одамлар буни ўз ҳаётлари мисолида кўрмоқда, ҳис қилмоқда. Ҳар куни қайсидир ҳамкасбимиз, танишимиз янги уй-жой ё энгил машина олаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бу ҳам турмушимиз тобора фаровонлашиб бораётганидан бир нишонадир.

Жадаллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгаришлар замирида оддий одамлар манфаати устувор экан, халқимиз бугунги синовли кунлардан ҳам эсон-омон ўтиб, янгидан-янги марраларни забт этаверади. Зеро, халқ ва ҳокимият бирлиги муваффақиятларимиз, ёрқин келажагимизнинг бош омили, негизидир.

Абдужалол ТАЙПАТОВ